ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

“ФАРМАЦИЯДА ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ”

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН
МАТЕРИАЛЛАРИ

МАТЕРИАЛЫ
НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ

“АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ОБРАЗОВАНИЯ, НАУКИ И ПРОИЗВОДСТВА В ФАРМАЦИИ”

Тошкент-2009

Таҳрир ҳайъати:

Раис: Юнусхўжаев АН.

Аъзолар: Шабилолов А.А.
Аминов С.Н.
Расулова С.А.
Файзуллаева Н.С.

Тошкент фармацевтика институти Илмий кенгашининг
13.10.2009 йилдаги 3-сон қарори билан чоп этишга тавсия этилган

Альбен т - 360 таблеткасини турғунлигини ўрганиш

А.Д.Таджиева, Х.Х.Икромова
Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси

Ишнинг мақсади: тайёр дори воситаларига қўйиладиган асосий талаблардан бири, улар сақлаш жараёнида ўз турғунлигини сақлаши лозим.Дори воситаларнинг турғунлигига ташқи муҳитдаги омиллар, жумладан, намлик, ёруғлик,ҳарорат билан бирга уларнинг таркибига кирган ёрдамчи моддалар тури ва миқдори,танланган технология ва қадоқланган идишлар ҳам бевосита таъсир этади. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан жорий қилинган тартибга кўра тайёр дори воситаларнинг сақлаш муддати камида 2,5 йил деб белгиланган. Янги дориларнинг технологияси яратилганда ёки мавжуд технологияни такомиллаштирилганда уларнинг яроқлилик муддатини ўрганиш мақсадга мувофиқ. Ветеринария амалиёти учун генерик препарат сифатида альбенТ-360 таблеткасини таркиби ва технологияси таклиф этилган ҳамда матбуотда маълумотлар берилган (Москва,2007).
Усуллар: альбенТ-360 таблеткаси зарб билан ишлайдиган таблетка машинасида (Белорусь), ўртача оғирлиги 1,80г дан қилиб прессланди. Таблеткани илк физик механик кўрсаткичлари тегишли адабиётларда келтирилган усуллар бўйича таҳлил қилинди. Таблеткаларни яроқлилик муддатини белгилаш мақсадида уларни тиббиётда ишлатишга рухсат берилган идишларга пластмасса қопқоқли қўнғир рангли шиша идиш (ТСТ 64 28 287 81) ва бурама пластмасса қопқоқли (ТСТ 64 208780) қўнғир рангли шиша идишларга (ТСТ 64 2 71 80) қадоқланди. Қадоқланган таблеткаларни яроқлилик муддати табиий шароитда ва “тезлаштирилган” усулларда ўрганилди. Таблеткаларни табиий шароитда сақлаш учун уларни хона ҳароратига қўйилди. ”Тезлаштирилган” шароитда эса махсус климокамераларда (600С) олиб барилди. Таблеткаларнинг сифат кўрсаткичлари табиий шароитда ҳар 6 ойда текшириб борилса, ”тезлашти рилган” усулда эса табиий усулга мос келувчи ҳар 11,5 кун давомида тегишли МҲ асосида текшириб борилди. Таблетка таркибидаги таъсир этувчи модда миқдори спектрофотометрик усулида аниқланди.Олинган натижаларга математик ишлов берилди.
Натижалар: альбенТ-360 таблеткасини сифат кўрсаткичлари тегишли МҲ талабларига жавоб беради.
Хулосалар: тажриба натижаларига биноан таблеткаларни сақланиш муддати 4 йил деб белгиланди. Бу даврда таблеткаларнинг барча сифат кўрсаткичлари талаб даражасида бўлиб, таблетка таркибидаги ёрдамчи моддаларни тури ва миқдори ҳамда сақлаш шароитларини салбий таъсири кузатилмади.